

**“Фарғона электр тармоқлари  
худудий корхонаси” АЖ  
Молиявий  
ҳисоботидан  
фойдаланувчиларга**

**13.05. 2026 йил.**

**Ижобий фикр билдирилган  
АУДИТОРЛИК ХУЛОСАСИ**

**Фикр**

Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги тамонидан 2021 йил 14 июнда Аудиторлик ташкилотлари Реестрига руйхатга олинган МСНЖ shakidagi «MASLAXATAUDIT-M» аудиторлик ташкилотининг аудитори Маликов С томонидан хўжалик юритувчи субъект “Фарғона электр тармоқлари худудий корхонаси” АЖнинг 2025 йил 1 январдан 2025 йил 31 декабргача даври учун Бухгалтерия ҳисоби Миллий Стандартлари (БҲМС)га мувофиқ тайерланган “Бухгалтерия баланси”, “Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот”, “Пул оқимлари тўғрисидаги ҳисобот” ва “Хусусий капитал тўғрисидаги ҳисобот”лардан иборат бўлган 2025 йил 31 декабрь ҳолатидаги “Молиявий ҳисоботи”нинг муҳимлилик жиҳатларда ишончлилигини мажбурий тарзидаги аудиторлик текширувидан ўтказилди.

Бизнинг фикримизча хўжалик юритувчи субъект “Фарғона электр тармоқлари худудий корхонаси” АЖнинг 2025 йил 1 январдан 2025 йил 31 декабргача бўлган даври учун тузилган молиявий ҳисоботлари барча муҳимлилик жиҳатлари бўйича унинг молиявий ҳолатини ва молиявий-хўжалик фаолияти натижаларини ҳаққоний акс эттиради ва Бухгалтерия Ҳисобининг Миллий Стандартлари (БҲМС) талабларига мувофиқ келади.


**Фикр билдириш учун асослар.**

Биз халқаро аудит стандартларига (ХАС)га мувофиқ аудит ўтказдик. Бизнинг ушбу стандартлар бўйича жавобгарлигимиз ушбу хулосанинг “Аудиторнинг молиявий ҳисоботни текшируви бўйича жавобгарлиги” бўлимида батафсил ёритилган. Биз жамиятдан мустақил равишда ахлоқий қоидаларига, молиявий ҳисобот аудитига тегишли стандартга мувофиқ бажарганмиз. Биз олган аудиторлик далиллари фикримизни ифода этилишини тасдиқлаш учун етарли ва ўринли деб ҳисоблаймиз.

**Аудитнинг муҳим масалалари.**

Ушбу масалалар, бизнинг профессионал мулоҳазамиздан келиб чиққан ҳолда жорий давр учун молиявий ҳисоботни текшириш учун энг муҳим бўлган масалалардир. Ушбу масалалар молиявий ҳисобот аудитида кўриб чиқилган ва биз ушбу масалалар бўйича алоҳида фикр билдирмаймиз.

**Молиявий ҳисобот учун раҳбарият ва корпоратив бошқарув ваколатига эга шахсларнинг жавобгарлиги.**



Хўжалик юритувчи раҳбарият молиявий ҳисоботни тайёрлаш ва тўғри тақдим этиш учун, БХМСга мувофиқ хатолик туфайли жиддий бузиб кўрсатилган молиявий ҳисоботларни тайёрлаганлик учун, ҳамда раҳбарият томонидан қабул қилинган ички назорат тизими учун жавобгар.

Молиявий ҳисоботни тайёрлашда раҳбарият жамият фаолиятининг узлуксизлини баҳолашга, зарур ҳолларда узлуксиз фаолият билан боғлиқ бўлган ахборотларни ошкор этиш ва фаолият узлуксизлиги тахминига кўра ҳисобот беришга жавобгар, агарда раҳбарият томонидан корхона фаолиятини тугатиш, фаолиятни тўхтатиш ёки бошқа ҳолатлар мавжуд бўлмаса жавобгардир. Корпаратив бошқарув учун маъсул шахслар молиявий ҳисоботларини тайёрлашни назорат қилиш учун жавобгардир.

### **Молиявий ҳисобот аудити учун аудиторнинг жавобгарлиги.**

Бизнинг мақсадимиз молиявий ҳисоботлар фирибгарлик ва хатолик туфайли бўладиган жиддий нотўғри кўрсаткичлардан ҳоли эканлигига ишонч ҳосил қилиш ҳамда аудиторлик фикрини аудиторлик ҳулосасида акс эттириш. Ақлли ишонч, ишончнинг юқори даражаси бўлиб, ХАСларга мувофиқ ўтказилган аудит ҳар доим ҳам мавжуд жиддий хатоларни аниқлай олишга кафолат эмас. Фирибгарлик ёки хатолик туфайли бузиб кўрсатишлар юзага келиши мумкин, ушбу бузиб кўрсатишлар ягона ёки жами бўлиб молиявий ҳисоботдан фойдаланувчилар иқтисодий қарорларига таъсир қилиши мумкин бўлса, муҳим ҳисобланади.

Аудитнинг халқаро стандартларига мувофиқ аудитнинг бир қисми сифатида биз бутун аудит давомида профессионал мулоҳаза юритамиз ва профессионал скептицизмни қўллаймиз. Бундан ташқари биз қуйидагиларни бажарамиз:

- фирибгарлик ёки хатолик туфайли молиявий ҳисоботнинг жиддий бузилиши хатарини аниқлаш ва баҳолаш, ушбу хатарларга жавобан аудиторлик амалларини ишлаб чиқамиз ва бажарамиз, аудит фикри учун асос бўлиб хизмат қиладиган аудиторлик далилларини оламиз. Фирибгарлик натижасида муҳим бузиб кўрсатишларни топилмаслик rischi хато туфайли муҳим бузиб кўрсатишларни топилмаслик riskидан юқори, чунки фирибгар сохталаштириш, қасддан хато қилиш, нотўғри маълумот бериш ёки ички назорат тизимини четлаб ўтувчи хатти-ҳаракатларни амалга оширган бўлиши мумкин;

- корxonанинг ички назорат тизимининг самарадорлиги тўғрисида ўз фикримизни билдириш учун эмас, балки вазиятга мос келадиган аудиторлик тартиб-таомилларини ишлаб чиқиш мақсадида, аудитор тадбиркорлик субъекти ўз молиявий ҳисоботларини тайёрлаши ва ҳаққоний тақдим этиши билан боғлиқ бўлган ички назорат тизимини кўриб чиқади:

- қўлланилаётган ҳисоб сиёсатининг мақбуллиги ва хўжалик юритувчи субъекти раҳбарияти томонидан ҳисоблаб чиқилган баҳоларнинг асослилигини баҳолашни, шунингдек молиявий ҳисоботларнинг ифодаланишини баҳолаш;

- бухгалтерия ҳисоби ва бошқарувдан олинган аудиторлик далиллари асосида, корxonанинг фаолиятни узлуксиз давом эттириш қобилиятига жиддий шубҳа тўғдириши мумкин бўлган воқеалар ва ҳодисалар билан боғлиқ муҳим ноаниқликлар мавжудми ёки йўқлиги тўғрисида, раҳбарият фойдаланиши мақсадга мувофиқлиги тўғрисида ҳулоса қиламиз. Агар биз муҳим ноаниқликлар мавжуд деган ҳулосага келсак, аудит ҳисоботида молиявий ҳисоботдаги ноаниқликларни ёритиб беришга эътиборимизни қаратамиз ёки ноаниқликларни ёритиб бериш имкони бўлмаса аудит фикрини ўзгартирамиз. Бизнинг аудит ҳулосамиз олинган аудиторлик далилларига асосланади. Келажакдаги воқеа ва ҳодисалар корхона фаолиятининг узлуксизлигига таъсир этиши мумкин.

- биз молиявий ҳисоботнинг тақдим этилишини, унинг тузилиши ва таркибини, шу жумладан маълумотларнинг ошкор қилинишини ва молиявий ҳисобот асосий операциялар ҳамда ҳодисаларни ишончли тарзда тақдим этишини баҳолаймиз.

Биз Корпаратив бошқарув учун масъул шахслар билан аудитни режалаштириш, аудит ўтказиш вақти ва аудитда аниқланган муҳим камчиликлар, шу жумладан аудит давомида аниқланган ички назоратдаги ҳар қандай камчиликлар тўғрисида алоқа қиламиз.

Биз шунингдек Корпаратив бошқарув учун масъул шахслар аудитнинг мустақиллигига тегишли барча ахлоқий талабларга риоя қилинганлиги тўғрисида баёнот берамиз ва ушбу шахсларга аудитнинг мустақиллигига таъсир қилиши мумкин бўлган барча муносабат ва масалалар тўғрисида хабар берамиз.

Биз Корпаратив бошқарув учун масъул шахсларга хабар қилинган масалалардан жорий давр молиявий ҳисоботи аудитида энг муҳим ва аудитнинг асосий масалаларини аниқлаймиз.

Биз ушбу аудитнинг асосий масаларини аудит ҳисоботимизда ёритамиз, ушбу масалалар тўғрисидаги маълумотларни ошкор қилиниши қонун ёки бошқа ҳужжатлар билан тақиқланган ҳоллар бундан мустасно, ёки биз камдан-кам ҳолларда ушбу масалаларни ошкор қилмаслик керак деган хулосага келамиз. Чунки бундай ахборотнинг салбий оқибатлари ижобий оқибатидан ошади деб тахмин қилиш мумкин.

**МЧЖ «MASLAXATAUDIT-M» auditorlik  
tashkiloti директори:**

**Аудитор:**

*(№06348-рақамли аудиторлик малака сертификати  
02.03.2024 йилда берилган)*

**15.05. 2026 йил**



**М. Гулбоев**

**С. Маликов**

**Аудиторлик текируви ўтказилган хўжалик субъекти тўғрисидаги маълумотлар:**

**Номи:** “Фарғона электр тармоқлари худудий қорхонаси” акциядорлик жамияти

**Х/Р:** 2021 0000 9002 1528 9001, АТБ “Ўзсаноатқурилишбанк” бош офиси, МФО 00440, ИНН 200144930.

**Манзили:** Ўзбекистон Республикаси, Фарғона вилояти, Тошлок тумани, “Заркент КФЙ” Янгийўл кишлоғи А. Навои кўчаси 5-А уй.

**Аудиторлик ташкилоти тўғрисидаги маълумотлар:**

**Номи:** МЧЖ шаклидаги «MASLAXATAUDIT-M» аудиторлик ташкилоти

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан 14.06. 2021 йилда аудиторлик фаолияти билан шуғулланиш бўйича руйхатга олинган.

**Х/Р:** 2020 8000 4041 3625 8001, АТИБ «Ипотека банк» Жиззах вилояти филиали, МФО 00122, ИНН 203679800.

**Манзили:** 130100, Ўзбекистон Республикаси, Жиззах шаҳри, Байналминалчилар кўчаси 5 уй.